

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Fil.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ХОШИМХЎЖАЕВА МОХИРУХ МУЗАФФАРОВНА

**ОЛАМНИНГ ЛИСОНИЙ ТАСВИРИДА ФИТОНИМЛАР (ИНГЛИЗ,
РУС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИ МИСОЛИДА)**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва
таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2018 йил

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on philological
sciences**

Хошимхўжаева Мохирух Музаффаровна

Оламнинг лисоний тасвирида фитонимлар (инглиз, рус ва ўзбек тиллари
мисолида) 3

Хошимхўжаева Мохирух Музаффаровна

Фитонимы в языковой картине мира (на материале английского, русского и
узбекского языков) 25

Khoshimkhujueva Mokhirukh Muzaffarovna

Phytonyms in the language image of the world (on the material of the English,
Russian and Uzbek languages)..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 51

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Fil.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ХОШИМХЎЖАЕВА МОХИРУХ МУЗАФФАРОВНА

**ОЛАМНИНГ ЛИСОНИЙ ТАСВИРИДА ФИТОНИМЛАР (ИНГЛИЗ,
РУС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИ МИСОЛИДА)**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва
таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2018 йил

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Fil 85 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифанинг www.tashgiv.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот–таълим портали **Ошибка! Недопустимый объект гиперссылки..**

Илмий раҳбарлар:

Абдуазизов Абдузухур Абдумажидович
филология фанлари доктори, профессор

Қулмаматов Дусмамат Саттарович
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Сафаров Шахриёр Сафарович
филология фанлари доктори, профессор

Каюмова Венера Фаварисовна
филология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Fil.21.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «__» _____ соат __ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент, Миробод тумани, Шахрисабз кўчаси, 25-уй. Тел: (99871) 233–45–21; факс: (99871) 233–52–24; e-mail: sharq_ilmiy@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент давлат шарқшунослик институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100047, Тошкент, Миробод тумани, Шахрисабз кўчаси, 25-уй. Тел: (99871) 233–45–21.

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «__» _____ даги __ -рақамли реестр баённомаси).

А.М. Маннонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

Р.А. Алимухамедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.д.

Г.Х. Боқиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. XXI аср жаҳон, хусусан Европа ва Америка тилшунослигида когнитив лингвистика, антропоцентризм ва лингвомаданиятшунослик доирасида инсон-тил-борлик муносабатларига бағишланган илмий изланишларнинг натижалари турли халқлар тафаккурида дунёни идрок этилиши ва тилда акс топишининг ноёб, ўзига хос - миллий усуллари билан боғлиқ бир қатор ўрганилмаган муаммоларни белгилаб берди. Шу боис, тилни ва унинг асосида яратилажак олам лисоний тасвири (кейинги ўринда – ОЛТ)ни инсоннинг атроф олам ҳақидаги тассавурлар тизими сифатида ўрганиш мақсадида, тилнинг ўзига хос лексик бирлиги бўлган ўсимликлар номлари – фитонимларни¹ турли тизимли инглиз, рус ва ўзбек тиллари мисолида чоғиштирма тадқиқ этиш долзарб масала сифатида майдонга чиқди.

Бугунги кунда дунё тилшунослигида тил ташувчиларининг онгида оламни концептуаллаштириш ва вербаллаштиришнинг ўзига хос когнитив механизмлари тадқиқоти доирасида маълум тематик майдонга тегишли лексик birlikларни лексик-семантик, мотивацион-номинатив, деривацион ва лингвомаданий аспектларда таҳлил этиш сингари устувор йўналишларда изланишлар олиб борилмоқда. Ушбу изланишларнинг кўпчилигида тил birlikларини концептуал тадқиқ қилиш учун ОЛТ тўғрисидаги назариялар илмий асос сифатида хизмат қилганлигини кузатиш мумкин.

Ўзбек тилшунослигида ҳам когнитив тилшунослик доирасида, лингвомаданий аспектда, ўзбек тилини қардош бўлмаган тиллар билан чоғиштиришга бағишланган изланишлар кўлами кенгайди. «Мустақиллик йилларида мамлакатимизда миллатлараро муносабатлар ривожиди янги босқич бошланди»². Бу эса, турли маданият жамоалари ўртасидаги коммуникация муаммолари билан боғлиқ бўлган тадқиқотлар аҳамиятини янада оширди. Бундай тиллараро алоқанинг интенсификацияси шароитида тафаккур ва маданият муносабатлари муаммосини ўрганиш мақсадида олам лисоний тасвирини лингвокогнитив изоҳлаш учун лексик birlikлар – лексемалар ва фразеологик бирикмаларни комплекс таҳлил этиш муҳим аҳамият касб этади. Улар орасида инсон ва маданият ўртасидаги ўзаро муносабатни ёритиб берувчи когнитив ва лингвомаданий планда тасвирланиши лозим бўлган, фитонимик лексик birlikлар олам лисоний тасвирининг бир қисми сифатида ўзига хос ўрин эгаллайди³. Ушбу ишнинг

¹Фитоним от греч φύτον «растение» и ёвца «имя» [Краткий понятийно-терминологический справочник по этимологии и исторической лексикологии. Этимология и история слов русского языка / Сост. Варбот Ж.Ж., Журавлев А.Ф. – М.: Российская академия наук, Институт русского языка им. В. В. Виноградова РАН. 1998. – 250 с. – [Электронный ресурс]. – URL: http://etymolog.ruslang.ru/doc/etymology_terms.pdf (дата обращения: 17.11.2014)].

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилганлигининг 25 йиллигига бағишланган учрашувдаги нутқи: Миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатлик – халқимиз тинчлиги ва фаровонлигининг муҳим омилидир // Халқ сўзи online. – 2017. – 25 янв. – [Электрон ресурс]. – URL: <http://xs.uz/index.php/homepage/rasmij/item/9335-millatlararo-d-stlik-va-amzhi-atlik-khal-imiz-tinchligi-va-farovonligining-mu-im-omilidir>

³Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Т.: «Сангзор» нашриёти, 2006. – 92 б.

инновационлиги инглиз, рус ва ўзбек тиллари фитонимларининг мотивацион-номинатив аспектдаги қиёсий-чоғиштирма таҳлили ҳозирги кунгача алоҳида тадқиқот предмети сифатида кўриб чиқилмаганлиги билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ва бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларда белгилаб берилган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар тараққиётининг I. «Ахборотлаштирилган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлиги даражаси. ОЛТ тушунчасига асос солган энг биринчи изланишлар В.фон Гумбольдт ва Л.Вайсгерберга тегишлидир⁴. Кейинчалик бу йўналиш хорижий (А.А.Потебня, Э.Сепир, Б.Уорф, Ю.Д.Апресян, Г.В.Колшанский, В.А.Маслова ва бошқ.)⁵ ҳамда мамлакатимиз (М.В.Эргашова, А.К.Абдурахманова, М.Р.Галиева, Г.К.Кдырбаева, Л.Э.Холмурадова, М.К.Халикова, Р.Х.Ширинова)⁶ тилшуносларининг тадқиқотларида ривожлантирилди ва асослаб берилди.

Фитонимик лексика тадқиқотига бағишланган кўплаб лингвистик ишлар мавжуд.

⁴Humboldt W. On Language: On the Diversity of Human Language Construction and its Influence on the Mental Development of the Human Species / Losonsky M. Ed. – Cambridge, UK: Cambridge University Press, 1999. – 296 p.; Вайсгербер Й.Л. Родной язык и формирование духа / Пер. с нем., вступ. ст. и коммент. О.А. Радченко. Изд. 2-е, испр. и доп. – М.: УРСС эдиториал, 2004. – 232 с.

⁵Потебня А. Мысль и язык. – Киев: СИНТО, 1993. – 192 с; Сепир Э. Избранные труды по языкознанию и культурологии. – М.: Изобретательская группа «Прогресс», 2001. – 200 с.; Whorf B.L. Language, thought and reality: Selected writings of Benjamin Lee Whorf / J.B. Carroll. Ed. – New York: Wiley, 1956. – 306 p. – [Electronic resource]. – URL: <https://archive.org/details/language-thought-whorf> (дата обращения: 17.11.2014); Апресян Ю.Д. Интегральное описание языка и системная лексикография. Языки русской культуры. Избранные труды. – М.: Школа, 1995. – Т.2. – 766 с.; Колшанский Г.В. Объективная картина мира в познании и языке. – М.: Наука, 1990. – 103 с.; Маслова В.А. Лингвокультурология. Учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений. – М.: Академия, 2001. – 208 с.

⁶Эргашова М.В. Ўзбек тилида локум ва локализация муносабати: Филол. фан. ном. ... дисс. автореферати. – Т., 2011. – 21 с.; Абдурахманова А.К. Способы номинации лиц как отражение языковой картины мира в узбекском и русском языках: Дисс. ... канд. филол. наук. – М., 2007. – 167 с.; Галиева М.Р. Вербализация концептосферы Word /сўз/ слово в английской, узбекской и русской языковых картинах мира: Дисс. ... канд. филол. наук. – М., 2010. – 266 с.; Ширинова Р.Х. Олам миллий манзарасининг бадий таржимада қайта яратилиши: Филол. фан. док. ... дисс. автореферати. – Т., 2017. – 57 с.; Кдырбаева Г.К. «Ман» - «адам» концептосфераси бирликларининг лингвомаданий ва лингвокогнитив хусусиятлари (инглиз ва қорақалпоқ тиллари мисолида): Филол. фан. фал. док. ... дисс. автореферати. – Т., 2017. – 21 с.; Холмурадова Л.Э. Инглиз ва француз тилларидаги образли ва мотивлашган фразеологизмларнинг тематик-идеографик талқини (лингвомаданий аспект): Филол. фан. фал. док. ... дисс. автореферати. – Т., 2017. – 21 с.; Халикова М.К. Фразеология как форма отражения национального менталитета в языковой картине мира (на материале русского и узбекского языков): Дисс. ... канд. филол. наук. – М., 1999. – 142 с.

Инглиз тили фитонимларининг таҳлилига бағишланган энг аҳамиятли тадқиқотлар сифатида Т.Б. Габер, Ж.Раца, И.Самфира, Ф.Сала, Д.Хук, У.Кришке, О.П.Рябколарнинг ишларини келтириш мумкин. Мазкур ишларда фитонимлар ички шакл тузилиши, сўз ясалиши, номинация, семантик структура нуктаи назаридан диахрон ва синхрон ўрганилган, шу билан бирга уларнинг тил лексик тизимидаги ўрни ҳам кўриб чиқилган⁷.

Рус фитонимлари тадқиқоти муаммоси этноботаник, терминологик, семантик, лексикографик аспектларда В.Б.Колосова, С.Ю.Дубровина, А.М.Летова ва Т.В.Цой каби тилшунослар ишларида батафсил очиб берилган⁸.

Ўзбек тилида ҳам фитонимик лексика тадқиқотлари мана бир неча ўн йилликдирки долзарблигича қолмоқда. Хусусан, ўзбек тили ботаник терминологиясининг ривожланиш тарихи Х.Жамолхонов томонидан ўрганилган, айрим ўзбек фитонимларининг тарихий-этимологик таҳлили Ю.Эшонқуловнинг ишида кўриб чиқилган, ўзбек тилининг ўсимлик номлари - лексемаларининг тузулиши ва бадий ишлатилиши Г.Х.Нигматова томонидан таҳлилга тортилган⁹.

Санаб ўтилган тадқиқотлар жуда катта назарий-амалий материални ўз ичига олган, аммо ушбу илмий ишларнинг умумий таҳлили уларнинг бугунги кунда етарли эмаслигини кўрсатади. Айниқса, бу ҳолат, турли тизимли тиллар ОЛТда фитонимларнинг қиёсий-чоғиштирма тадқиқотига тегишлидир.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Ўзбекистон Миллий университетининг «Турли тизимдаги тилларнинг лисоний ва типологик хусусиятлари» мавзусида олиб

⁷Haber T. Canine Terms in Popular Names of Plants // American Speech. – vol. 38, No.1, 1963.– pp. 28-41.; Rača G., Samfira I., Sala F. Agricultural English. – Newcastle upon Tyne: Cambridge Scholars Publishing, 2012. – 385 p.; Klug H.W., Van Arsdall A., Blanz P. The Mandrake Plant and its Legend: a New Perspective // Old Names – New Growth: Proceedings of the 2nd ASPNS Conference, University of Graz, Austria, 6-10 June 2007, and Related Essays. – Frankfurt am Main: Lang, 2009. – pp. 285-346.; Hooke D. Trees in Anglo-Saxon Charters: Some Comments and Some Uncertainties // Old Names – New Growth: Proceedings of the 2nd ASPNS Conference, University of Graz, Austria, 6-10 June 2007, and Related Essays. – Frankfurt am Main: Lang, 2009. – pp. 75-98.; Krishke U. On the Semantics of Old English Compound Plant Names: Motivations and Associations // Old Names – New Growth: Proceedings of the 2nd ASPNS Conference, University of Graz, Austria, 6-10 June 2007, and Related Essays. – Frankfurt am Main: Lang, 2009. – pp. 211-278; Herman D., Moss S. Plant names and folk taxonomies: Frameworks for ethnosemiotic inquiry // Semiotica 2007, № 167. – pp. 1-11.; Рябко О.П. Номинативные и структурно-семантические свойства сложных субстантивных образований (на материале наименований растений): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Р.-на-Д., 1988. – 24 с.

⁸Этноботаника: растения в языке и культуре / Отв. ред. Колосова В.Б., Ипполитова А.Б. – СПб.: Наука, 2010. – 386 с.; Цой Т.В. Лексико-семантическая и словообразовательная структура фитонимов и их закономерности описания фитонимов в толковых словарях: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Т., 1995.– 24 с.; Дубровина С.Ю. Русская ботаническая терминология в этнолингвистическом освещении (на материале названий растений, образованных от названий животных и птиц): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М., 1991. – 25 с.; Летова А.М. Семантические особенности фитонимов в русском фольклоре: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М., 2012. – 25 с.

⁹Жамолхонов Х. Ўзбек ботаника терминологиясининг шаклланиш ва ривожланиш тарихидан: Филол. фан. ном. ... дисс. автореферати. – Т., 1969. – 25 с.; Эшонқулов Ю. Опыт историческо-этимологического анализа названий плодов в узбекском языке: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Т., 1977. – 24 с.; Нигматова Г.Х. Система и художественное функционирование лексем-названий растений в узбекском языке: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Т., 1998. – 21 с.

борилаётган истиқболли илмий тадқиқот ишлари режасининг таркибий қисми ҳисобланади.

Тадқиқотнинг мақсади фитонимик лексик бирликларнинг семантик-мотивацион номинацияси қонуниятлари ва инглиз, рус, ўзбек ОЛТнинг шаклланишидаги ўрни ҳамда уларнинг муштарак ва фарқли томонларини ёритиб беришдан иборатдир.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ОЛТ феноменининг назарий асослари ва унинг шаклланишида тил бирликларининг ўрнини тадқиқ этиш;

замонавий тилшуносликда инглиз, рус ва ўзбек тилларида фитонимларга бағишланган типологик тадқиқотлар муаммоси ва фитонимларнинг ўрганилиш даражасини аниқлаш;

инглиз, рус ва ўзбек тиллари фитонимик лексик бирликларининг универсал ва ўзига хос хусусиятларини аниқлаш учун мотивацион белгилар ва махсус этномаркерланган лексик-семантик доираларни назарда тутган ҳолда қиёсий-чоғиштирма жиҳатдан компонент таҳлилинини ўтказиш;

фитокомпонентли фразеологик бирликларни лингвомаданий жиҳатдан семантик таҳлилга тортиш ва коннотацион маъноларини аниқлаш орқали уларнинг миллий ўзига хосликларини очиқ бериш;

лисоний оламининг шаклланиши ва тил ташувчилари онгида атроф оламини концептуаллаштиришнинг универсал ва дифференциал хоссаларини инглиз, рус ва ўзбек фитонимик лексикани таҳлил қилиш орқали ёритиб бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида алоҳида лексемалар ва фразеологизмлар (фитокомпонентли фразеологизмлар) кўринишидаги инглиз, рус ва ўзбек тиллари фитонимик лексик бирликлари белгиланган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида ОЛТнинг шаклланишида асосий роль ўйнайдиган инглиз, рус ва ўзбек тиллари фитонимик лексик бирликларининг мотивацион-номинатив, ўзига хос миллий-маданий ва семантик хусусиятлари белгиланган.

Тадқиқотнинг методлари мотивацион-номинатив (сўзнинг эшитилиши ва унинг маъноси ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш асосида унинг ички шаклини таҳлил қилиш), қиёсий-чоғиштирма (қардош ва қардош бўлмаган тилларнинг маълум категориал кўрсаткичларини қиёслаш орқали уларнинг универсал ва ўзига хос хусусиятларини аниқлаш), семантик-когнитив (лексик бирлик маъноси ҳамда тил ташувчиларининг когнитив механизмлари хусусиятлари боғлиқлигини таҳлил қилиш), компонент (тил бирликлари таркибини маъновий қисмларга бўлиш орқали таҳлил қилиш) ва статистик (у ёки бу тил бирлигини ишлатилиш частотасини аниқлаш учун математик ҳисоб-китоблардан фойдаланиш) таҳлил методларининг йиғиндиси билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

«Шакл», «Локатив», «Функционал фойдаланиш», «Ранг», «Текстура», «Вақт», «Таъм», «Микдор», «Ўсиш йўллари», «Ҳид», «Товуш» тушунчалари

асосида инглиз, рус ва ўзбек тиллари фитонимик лексикасида мотивациянинг типологияси ишлаб чиқилган;

махсус этномаркерланган лексик-семантик доираларда инглиз, рус ва ўзбек фитонимларининг тил ташувчилари тафаккурида ўсимлик ҳақидаги билимларнинг қайд этилиши билан боғлиқ асимметрия асослаб берилган;

инглиз, рус ва ўзбек тиллари фитокомпонентли фразеологизмларининг инсон тафаккури ва маданияти билан боғлиқ концептуал-идеографик ҳамда коннотацион хусусиятлари аниқланган;

қиёсланаётган тиллар фитокомпонентли фразеологизмлари таркибида ўсимлик ва унинг хусусиятлари тил ташувчилари томонидан атроф-муҳит ҳақидаги маълумотлар концептуализацияси учун категориялар сифатида фойдаланиши ҳамда рамзлар, эстетик эталонлар вазифасини бажариши далилланган;

фитонимлар ва фитокомпонентли фразеологик бирликлар инглиз, рус ва ўзбек лисоний олам тасвирида акс этиши экстралингвистик омиллар – маданият, тарих, менталитет, географик жойлашув ва биохилма-хиллик билан белгиланиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

инглиз, рус ва ўзбек тиллари фитонимларини олам лисоний тасвирининг бир қисми сифатида қиёсий-чоғиштира тадқиқ этиш, нафақат лингвистик балки маданий аспект учун ҳам аҳамиятлилиги, тил ўргатиш жараёнида ўзга тил маданиятини тўғри тушунтирилиши ва миллатлараро коммуникациянинг ривожланишига хизмат қилиши исботланган;

фитонимларга оид таҳлил қилинган материаллар асосида тегишли соҳа мутахассислари ва талабалари учун «Plantarium» (10 август 2016 йили, DGU 03915 рақами остида Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлиги томонидан руйхатдан ўтказилган) ўсимликлар номларининг ўзбекча-инглизча-русча-лотинча электрон луғати яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув, усуллар ва маълумотларнинг илмий манбалардан олингани, келтирилган таҳлиллар қиёсий-чоғиштира-типологик, когнитив-семантик ва статистик таҳлил методлари воситасида асосланганлиги, хулоса, тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг назарий натижалари маълум даражада контрастив лингвистика, когнитив тилшунослик, лингвомаданиятшунослик ҳамда лексикологиянинг такомиллашишига хисса қўшади. Диссертацияда ишлаб чиқилган турли системали тиллар фитонимларини қиёсий-чоғиштира таҳлил қилиш усуллари тилшуносликда лексик бирликларнинг мотивацион ва миллий ўзига хос хусусиятларини аниқлашда янги ёндашув бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқотнинг амалий натижаларидан тегишли йўналиш талабалари, магистрантлари ва докторантлари учун филология фанлари бўйича маъруза курсларида қўшимча маълумот сифатида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Оламнинг лисоний тасвирида фитонимларнинг тадқиқи бўйича олинган илмий натижалар асосида:

фитонимлар – ўсимликлар номлари тўғрисида келтирилган мотивологик маълумотлар ВА-КХФ-5-008 рақамли «Помидор куяси (*Tuta absoluta*)нинг тарқалиш ареали, зарар келтирадиган ўсимлик турлари ҳамда зарар келтириш даражаси» мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳасини бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 2 февralидаги 02/21-81-сон маълумотномаси). Натижада, ўсимликлар номлари тўғрисида келтирилган мотивологик маълумотлар лойиҳа мазмунини этноботаник ҳаволалар билан тўлдирилишига хизмат қилган;

фитонимлар – ўсимликлар номларининг илмий номи (бинар тизимда туркум ва тур номи кўринишида) ва лисоний бирлик сифатида (халқ номлари тизимида фақат туркум номи кўринишида) ишлатилиши, ҳамда шевага хос эквивалентлари ва ушбу номлар ўртасидаги фарқлар борасидаги хулосалар Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институтида Корея республикасининг Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш (RDA) ташкилоти билан ҳамкорликда бажарилган «Қишлоқ хўжалик экинлари намуналарини йиғиш, уруғлар унувчанлигини қайта тиклаш ва бирламчи баҳолаш» мавзусидаги халқаро лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 2 февralидаги 02/21-81-сон маълумотномаси). Ушбу хулосалар Корея қишлоқ хўжалик экинлари ва навларининг тавсияномасини ёритишда номларни аниқ ва тўғри келтирилишига хизмат қилган;

инглиз тили фитонимларининг мотивацион белгиларга кўра таҳлили натижасида олинган мотивацион-номинатив хусусиятлари борасидаги хулосалардан «Dunyo bo`ylab» телеканалда «Children and nature» сингари туркум кўрсатувларни тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси 2017 йил 9 августидagi 08-14-351-сон маълумотномаси). Илмий натижалар ёш томошабинларга инглиз тилини ўргатиш жараёнида табиатнинг бир қисми бўлган ўсимликларнинг инглиз тили ташувчилари тил оламида тасвирланиши ҳақида қизиқарли маълумотлар билан телекўрсатув мазмунини бойитишга хизмат қилган;

диссертация доирасида яратилган «Plantarium» (гувоҳнома рақами: DGU 03915) ўсимликлар номларининг электрон луғати Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий тадқиқот институтининг илмий фаолиятига тадбиқ этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 2 февralидаги 02/21-81-сон маълумотномаси). Натижада, институтда олиб борилаётган илмий тадқиқот ишларида чет эл адабиётларини шархлашда, матнларни инглиз тилидан ўзбек тилига таржима қилиш жараёнида, айрим ўсимликлар номларининг нафақат инглизча балки русча, лотинча ва маҳаллий номларини аниқлашда асос бўлмоқда.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 3 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий иш чоп этилган, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақола, жумладан, 10 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот иши кириш, уч боб, умумий хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва глоссарийдан иборат. Диссертациянинг асосий ҳажми 135 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқот ишининг Ўзбекистон республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги асосланган, муаммоларнинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, тадқиқот мавзуси бўйича илмий тадқиқотлар шарҳи келтирилган, тадқиқот ишининг мақсад ва вазифалари, объект ва предмети аниқланган, тадқиқотда қўлланилган методлар, илмий янгиликлар ва тадқиқотнинг амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Диссертациянинг «**Фитонимик лексикани турли тизимли тилларда оламнинг лисоний тасвири сифатида қиёсий-чоғиштирма тадқиқ қилишнинг назарий асослари**» деб номланган биринчи бобида лингвистикада оламнинг лисоний тасвири феноменининг ўрганилиш тарихи қисқача баён этилган, тил ташувчилари – халқлар дунёқарашини акс эттирувчи «олам тасвири» нинг моддийлашувида тилнинг ўрни аниқланган, ОЛТни тасвирлаш учун турли тизимли тилларда фитонимик лексика таҳлилининг аҳамияти очиқ берилган.

ОЛТ инсон ва борлиқ ўртасиги дунёдир, унда инсон атроф - олам ҳақидаги ўз тасаввурларини она тили воситасида ифода этади.

XIX аср бошларида В. фон Гумбольд ОЛТ феномени ҳақида дастлабки фикрларни билдирган эди. Олимнинг фикрига кўра, тиллар миллатнинг асл тафаккурини ўзида акс эттиради; улар оламнинг бевосита акси эмас, балки борлиқнинг инсон томонидан қилинган талқинидир; хар бир тил ўз миллати атрофида маълум дунёқарашни акс эттирувчи тил доирасини ҳосил қилади, ушбу доира чегарасидан чиқиш фақатгина бошқа миллат доирасига кириш орқали амалга оширилиши мумкин. Шу аснода, тил ўз миллати учун маълум олам манзарасини шакллантиради¹⁰.

¹⁰ Гумбольдт В. Фон Избранные труды языкознанию/ Пер. с нем. Г.В.Раишвили. – М.: Прогресс, 1983.– С. 99.

«Оламнинг лисоний тасвири» (Weltbild der Sprache) атамасини фанга киритган Л.Вайсгербер, маълум бир жамоанинг она тилида, номига мос ҳолда – оламнинг лисоний тасвири деб аталувчи, маънавий мазмундаги билимлар хазинаси яшайди ва таъсир кўрсатади деб таъкидлайди¹¹.

Э.Сепир, Б.Л.Уорфларнинг фикрича, ҳар бир тил ташувчиси ўз она тилини ўрганиб борар экан тафаккурнинг маълум бир кўринишини ўзлаштиради, дунёни фақатгина она тили тузилиши билан боғланган нуқтаи назардан кўради ва шу тилда ўз аксини топган олам манзарасини қабул қилади¹².

Ю.Д.Апресяннинг фикрича, турли тил соҳиблари дунёни турлича кўрганликлари учун, уларнинг ўзига хос дунёқарашлари ёки борликни концептуаллаштириш усуллари универсал ва маълум даражада миллий ўзига хос хусусиятларга эга бўлиши мумкин¹³.

Г.В.Колшанскийнинг таъкидлашича, ОЛТ ўзида, ягона лисоний эмас балки объектив олам доирасида, турли жамоаларнинг тарихий, географик, маданий ва бошқа омиллар билан белгиланган дунёни билиш фаолиятини акс эттиради¹⁴.

Лингвистикада ОЛТни ўрганиш учун турли тил воситаларидан фойдаланилади. Шу маънода лексиканинг номинатив жиҳати тилнинг экстралингвистик воқелигини акс эттирувчи самарали восита саналади, зеро «атрофимизни ўраб турган борлиққа кўпроқ лексиканинг номинатив аспекти яъни инсоннинг ташқи олам ва унинг турли дизпозициядаги ички ҳолати ҳақидаги тушунчаларни номлайдиган сўзлар яқинроқ туради»¹⁵.

Лисоний номинация ва тилда оламнинг тасвирланиши муаммоси ўзбек тилшуносларининг илмий ишларида ҳам кўриб чиқилган. Жумладан, А.К.Абдурахманованинг тадқиқотида шахсни билдирувчи отларнинг ўзбек ва рус олам лисоний тасвирининг шаклланишидаги ўрни кўрсатиб берилган¹⁶. М.К.Халикованинг олиб борган тадқиқотида номинацион назария жиҳатидан таҳлилга тортилган фразеологизмлар турли тизимли тиллар ОЛТнинг алломорф ва изоморф хусусиятларини очиб беришда анча самарали эканлиги аниқланган¹⁷. Ушбу қарашларга қўшилган ҳолда, номинатив лексик бирликлар ОЛТни ўрганиш учун фойдали маълумотлар сифатида майдонга чиқади деб ҳисоблаймиз, зеро улар нолисоний борликни номлаш жараёни билан чамбарчас боғлиқдир.

¹¹Вайсгербер Й.Л. Родной язык и формирование духа / Пер. с нем., вступ. ст. и коммент. О.А. Радченко. Изд. 2-е, испр. и доп. – М.: УРСС эдиториал, 2004. – 232 с.

¹²Сепир Э. Избранные труды по языкознанию и культурологии. – М.: Изобретательская группа «Прогресс», 2001. – 200 с.; Уорф Б.Л. Отношение норм поведения и мышления к языку // Звегинцев В.А. История языкознания XIX-XX веков в очерках и извлечениях. Часть II. – М., 1960. – С. 255-285.

¹³Апресян Ю.Д. Интегральное описание языка и системная лексикография. Языки русской культуры. Избранные труды.– М.: Школа, 1995. Т.2. – 766 с.

¹⁴Колшанский Г.В. Объективная картина мира в познании и языке. – М.: Наука, 1990. – 103 с.

¹⁵Роль человеческого фактора в языке. Язык и картина мира / Отв. ред. Б.А. Серебряков. – М., 1988. – С.120.

¹⁶Абдурахманова А.К. Способы номинации лиц как отражение языковой картины мира в узбекском и русском языках: Дисс. ... канд. филол. наук. – М., 2007. – С.10.

¹⁷Халикова М.К. Фразеология как форма отражения национального менталитета в языковой картине мира (на материале русского и узбекского языков): Дисс. ... канд. филол. наук. – М., 1999. – С.19.

Юқорида келтирилган фикрлардан хулоса қиладиган бўлсак, ОЛТ – олам ҳақидаги билимларнинг тилда акс этишидир. Дастлабки жараён олам ҳақидаги билимларнинг тил воситасида инсон онгида қайд қилинишидан иборатдир. Ушбу билимларни тил воситасида ОЛТда турли омиллар (ижтимоий, тарихий, маданий, географик, иқлимий, биологик ва бошқ.) таъсирида акс эттирилиши иккинчи жараённинг мазмунини ташкил этади. Бу айниқса лексиканинг номинатив аспектида ёрқин намоён бўлади.

Фитонимик лексика «...ўсимликлар дунёсининг кўпгина номлари, яъни дарахтлар, буталар, ўтлар, гуллар, сабзавотлар, резавор мевалар ва бошқа ўсимликлар номларини ўз ичига олади. Ушбу тематик синфга кирувчи маълум номларнинг борлиги ёки мавжуд эмаслигининг ўзиёқ олам тасвири учун муҳим маълумотдир. Бундан ташқари, хатто турли тиллар фитонимлари муқобилларининг таркибий таҳлили табиий артефактлар, улар ўртасидаги алоқалар ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақидаги тасаввурларда фарқ борлигини кўрсатади»¹⁸.

Ушбу нуқтаи назарлардан келиб чиқиб, фитонимларнинг ҳар бир кўриб чиқиладиган тилнинг ўзига хос хусусиятларини ҳамда бир нечта тилларнинг муштарак ва фарқли сифатларини аниқлашга йўналтирилган қиёсий-чоғиштирма аспектдаги мотивологик тадқиқоти, инглиз, рус ва ўзбек каби турли тизимли тилларда ОЛТни тавсифлашга йўл очиб беради деб таъкидлаш мумкин.

Диссертациянинг «**Инглиз, рус ва ўзбек фитонимларининг мотивацион ўзига хос хусусиятлари оламнинг лисоний тасвири сифатида**» деб номланган иккинчи бобида – фитонимларни инглиз, рус ва ўзбек тилида таҳлил қилиш учун мотивологиянинг қиёсий аспекти танланганлиги асослаб берилган, уларни мотивацион белгилар рўйхати бўйича таҳлил қилиш орқали мотивацион ўхшашлик ва фарқлари аниқланган, ҳамда уларнинг миллий-маданий ўзига хос хусусиятлари лексик-семантик доираларда лингвомаданий аспектда мотивологик таҳлили асосида юзага чиқарилган.

Фитонимларни қиёсий аспектда мотивологик тадқиқ қилишнинг биринчи босқичи ушбу таҳлилнинг асосий тушунчаларини аниқлашдан иборат. Маълум бўлишича, тасвирий мотивология асосида пайдо бўлган қиёсий мотивология икки ёки ундан кўп тилларнинг умумий ва фарқли хусусиятларини аниқлашга йўналтирилган. Унинг асосида сўзнинг структур-семантик хоссаси бўлмиш, ҳамда сўзнинг лексик ва таркибий муносабати асосида сўзнинг маъноси ва унинг товуш қобиғи ўртасидаги мувофиқликни англашга ёрдам берувчи мотивланиш тушунчаси ётади.

Мотивловчи белги (кейинги ўринларда – МБ) ўсимлик ва маълум бир миллат учун маданий қимматга эга бўлган объект ёки тушунча хоссаларига асосланган кенг кўламдаги антропоцентрик ассоциацияларни ўзида акс эттиради.

¹⁸Невойт В.И. Фитонимы в русской языковой картине мира // Русский язык: исторические судьбы и современность. Тезисы международного конгресса МГУ им. М.В. Ломоносова. – М., 2001. – [Электронный ресурс]. – URL: http://www.philol.msu.ru/~rlc2001/sec/kartina_m.htm (дата обращения: 26.05.17)

Инглиз, рус ва ўзбек тили фитонимларининг МБлари анча хилма-хилдир. Бу ҳолат луғатлар (ботаник, этимологик)¹⁹ билан ишлаш ва лексикология бўйича илмий манбалар (мавзуга оид мақолалар тўплами, алоҳида тиллар лексикасига бағишланган муаллифлик ишлари)²⁰ ни таҳлил қилиш жараёнида маълум бўлди.

Тўпланган материаллар асосида ўрганилаётган ҳар бир тил фитонимларининг мотиви ва МБсини аниқлаш тартиби шакллантирилди: фитонимлар манбалардан танлаб олинди; уларнинг инглиз ёки ўзбек тилидан рус тилига сўзма-сўз таржимаси ва илмий номи аниқланди; фитонимларнинг келиб чиқиш тарихи аниқланди; этимологик, тарихий ва маданий маълумотлар ўрганилди; рўйхатга киритилган ўсимликларнинг ботаник тавсифи ва амалий қўлланиши кўриб чиқилди.

Юқоридаги тартиб асосида, бу бўлимда 137 та инглизча, 107 та русча ва 84 та ўзбекча фитонимлар таҳлил қилинган. Тадқиқот давомида, асосан, инглизча, русча ва ўзбекча ўсимлик номларининг ўхшаш ва фарқли томонларини аниқлашга қаратилган, умумхалқ фитонимлари МБси таснифининг янги кўриниши ишлаб чиқилди: «Шакл», «Локатив», «Функционал фойдаланиш», «Ранг», «Текстура», «Вақт», «Таъм», «Миқдор», «Ўсиш йўллари», «Ҳид», «Товуш».

Кўриб чиқилаётган тиллардаги фитонимлар МБсини кўриш учун улардан баъзиларига тўхталамиз.

«Шакл» МБси асосида шаклланган фитонимлар (таҳлил қилинаётган фитонимларнинг умумий миқдоридан 26% инглизча, 30% русча, 16,2% ўзбекча ном) кўпинча соматизмлар (инсон ёки ҳайвон), ҳашаротлар, қушлар, кундалик турмуш артефактлари, табиат ҳодисалари, мавҳум тушунчалар, ўсимлик дунёси ва бошқ. билан ассоциациялар асосида ҳосил бўлади. Масалан, инглиз тилида: *snakeroot* (сўзма-сўз: илон илдиз) – ўсимлик илдизининг тўлқинсимон шакли ассоциация учун асос бўлиб хизмат қилган. Инглиз тилининг ўзига хос фарқли томони шундаки, унда мураккаб бадий ассоциациялар асосида шаклланган маълум экзоцентриқ фитонимлар учрайди, улар фақатгина инглиз тилига тегишли бўлиб рус ва ўзбек тилларида учрамайди: *love-in-a-mist* (сўзма-сўз: туман ичидаги севги) – Дамашқ седанаси, ингичка бир-бири билан чалкашиб кетган (тўрсимон) барглар марказида жойлашган гул, туман ёки тутун ичидаги муҳаббат сифатида метафорик тасвирланади. Рус тилида «шакл» МБси асосан мураккаб

¹⁹Watts D.C. Elsevier's Dictionary of Plant Names and their Origin: In English (with definitions). – Amsterdam: Elsevier, 2000. – 340 p.; Allen D.E., Hatfield G. Medical plants in folk tradition (an ethnobotany of Britain and Ireland). – Portland, Cambridge: Timber Press, 2004. – 431 p.; Англо-русский биологический словарь. Около 60 000 терминов. 4-тое издание, стереотипное. – М.: Русский язык, 1979. – 736 с.; Коновалова Н.И. Словарь народных названий Урала. – Екатеринбург: Полиграфист, 2001. – 119 с.; Анненков Н.И. Ботанический словарь. – СПб.: Имп. Академия наук, 1878. – 335 с.; Саҳобиддинов С.С. Ўрта Осиёдаги фойдали ва зарарли ўсимликларнинг маҳаллий номлари луғати. – Т. 1953. – 452 б.; Мухаммадхонов С., Жонгузаров Ф. Ўсимликшуносликка оид русча-ўзбекча изоҳли луғат. – Т.: Мехнат, 1989. – 320 б.

²⁰Wright E.M. Rustic Speech and Folk-Lore. – Oxford: Horace Hart, 2014. – 299 p.; Колосова В. Б. Лексика и символика славянской народной ботаники. Этнолингвистический аспект. – М.: Индрик, 2009. – 352 с.; Меркулова В.А. Очерки по русской народной номенклатуре растений. – М.: Наука, 1967. – 258 с.; Исмоилов И., Мелиев К., Сапаев М. Ўрта Осиё ва Қозоғистон туркий тиллари лексикасидан тадқиқот (меваги дарахт, полиз экинлари номлари ва уй-рўзғор буюмлари лексикаси материаллари асосида). – Т.: Фан, 1990. – 256 б.

бўлмаган тўғридан-тўғри ассоциациялар асосида шаклланган фитонимларда учрайди, ўсимлик шакли ўхшатилаётган предметнинг номи, ўсимлик номига ўтади (колокольчик, звездочка, манжетка, погребок, ноготки): *манжетка* (сўзма-сўз: манжетча) – танга япроқ-манжетка, баргларининг тишли шакли тўрли бурма манжетга ўхшатилади. Ўзбек тилига кўпроқ ўсимлик шакли ҳайвон тана аъзолари билан ассоциация қилиниши хосдир: *қўзиқорин* – ўсимликнинг буришган тузилиши қўзичоқ қорнининг ички томониغا ўхшатилади (сўйилган қўзичоқнинг қорин қисми назарда тутилган); *қарғатирноқ* – ўсимлик мевасининг шакли қарғаниннг тирноқларига ўхшатилади. Бундай ассоциациялар инглиз ва рус тилида ҳам учрайди, шунинг учун ҳам кўриб чиқиляётган тиллардаги ўхшаш хусусият сифатида қаралиши мумкин.

«Функционал фойдаланиш» МБсининг таҳлили (таҳлил қилинаётган фитонимлар умумий миқдоридан 6,8% инглизча, 10,8% русча, 7,6% ўзбекча ном) шуни кўрсатадики, кўриб чиқиляётган тилларда айнан маълум бир маданий жамоа учун муҳим аҳамиятга эга бўлган фойдаланиш соҳаларигина ўсимлик номлари учун асос бўлиб хизмат қилади. Инглиз тили учун – бу кўпинча дурадгорлик, тўқимачилик, ёки шиша ишлаб чиқириш соҳаларидир: *brushes and combs* (сўзма-сўз: шёткалар ва тароқлар) – ўрмон тўнғизтароғи, ўсимликнинг қуритилган гуллари тўқимачилик саноатида кенг фойдаланилган (асосан, жун маҳсулотлари туки ва патини тараш учун); рус тили учун халқ табобатида фойдаланиш соҳаси муҳимроқдир: *икотник* (сўзма-сўз: хиқичоқчи) – кул ранг икотник, ўсимликдан асабий хиқичоқни тўхтатиш учун фойдаланилади; ўзбек тилида ушбу МБ кўпроқ уй-рўзгор ва кундалик ҳаёт юмушлари билан характерланади: *савачўп* – қамишнинг бир тури бўлиб, ундан таёрланган савагичлар кўрпача ва ёстикларни тўлдириш учун ишлатиладиган пахтани саваш учун қўлланилади.

Тадқиқ қилинаётган тилларда «ранг» МБсига оид фитонимларнинг таҳлили (таҳлил қилинаётган фитонимлар умумий миқдоридан 22% инглизча, 12,2% русча, 3,8% ўзбекча ном) ушбу МБ *қора*, *қизил*, *кўк*, *сарик* ва *яшил* (баъзан *кўк* сўзи билан ифодалансада, ўзбек адабий тилида ўз маъносида келади) каби сўзлар билан ясалган бирикмаларда бевосита номинация орқали намоён бўлишини кўрсатади. Масалан, инглиз тилида: *greengage* (сўзма-сўз: яшил олхўри) – кўксултон, ўсимликнинг мевалари очик яшил рангда пишиб етилади (ўзбек тилида ҳам бу мева яшил ранг билан ассоциаланади – *кўксултон*); рус тилида: *чернокорень* (сўзма-сўз: қора илдиз) – доривор циноглосум, ўсимлик номи илдизининг қора ранги билан боғлиқ; ўзбек тилида: *қизилмия* – ном ўсимлик меваларининг ёрқин қизил ранги билан боғлиқ. Бундан ташқари инглиз ва рус тилларида билвосита ассоциациялар ҳам мавжуд, масалан инглизча *garnet berry* (сўзма-сўз: гранатли резавор мева) – қизилғат, ўсимликнинг очик-қизил ва шаффоф мевалари гранат тоши шакли ва рангига ўхшатилади; рус тилида *иван-дамарья* (сўзма-сўз: иван ва марья) – марьянник, битта гулда бир-биридан кескин фарқланувчи икки хил рангнинг борлиги сабабли шундай номланган. Ўсимликнинг «...яна бир номи *брат с сестрою*, туғишган эканликларини

билмасдан турмуш қурган ва кейин ажрашмаслик учун гулга айланган ака-сингил ҳақидаги эртакка бориб тақалади»²¹, бунда ўсимлик ранги билвосита ифодаланган.

Статистик маълумотларга кўра (тахлил қилинаётган фитонимлар умумий миқдоридан 26% инглизча, 30% русча, 16,2% ўзбекча ном), энг самарали МБ сифатида «шакл» МБси олдинга чиқади. «Локатив» ва «ранг» МБлари нисбатан юқори самарадорлик фоизига эга. Бу эса кўпчилик инсонлар учун ўз онгида борлиқ тасвирларини мухрлаш жараёнида биринчи ўринда ўсимлик ва ассоциацияланаётган предметнинг ташқи кўриниши туришини кўрсатади. Инсоннинг ҳид билиш, сезиш, эшитиш ва таъм билиш ҳислари орқали англашиладиган ўсимликларнинг (товуш, ҳид, таъм, текстураси каби) бошқа хусусиятлари, атроф-муҳитни когнитив англашда иккинчи ўринда туради. «Товуш» МБсига оид фитонимларнинг энг кам миқдорга (тахлил қилинаётган фитонимлар умумий миқдоридан 4,1% инглизча, 1,4% русча, 2,6% ўзбекча ном) эгаллиги бу фикрни исботлайди.

Фитонимларни мотивологик таҳлил қилиш жараёнида кўриб чиқиладиган тилларда ҳар бир халқнинг диний қаҳрамонлари, кундалик турмуш артефактлари, кенг тарқалган исмлари ва ҳайвонот олами билан ассоциация асосида шаклланган фитонимларнинг маълум миқдорини ўзида жамлаган ўзига хос этномаркерланган лексик - семантик майдонлар (кейинги ўринда – ЛСМ) аниқланди. «Диний-афсонавий келиб чиқиш» ЛСМ га оид фитонимлар таҳлили инглиз ва рус тилларида диний қаҳрамонлар билан ассоциация асосида шаклланган номлар миқдори жуда юқори эканлигини кўрсатди (тахлил қилинаётган фитонимлар умумий миқдоридан 33та инглизча бир., 51,6% га яқин, ва 11та русча бир., 33,3%). Масалан, инглиз тилида иблис (devil) жуда самарали образ ҳисобланади. Баъзи лексикографик манбаларда таркибида ушбу компонент ишлатилган 50дан ортиқ фитонимлар келтирилган²². Масалан: *devil's cotton* (сўзма-сўз: иблис пахтаси) – аброма аугустум, ўсимлик текканда санчиладиган майда тиканакли тукчалар билан қопланган.

Рус ва ўзбек тилларида ушбу образ (кўпроқ шайтон шаклида) у қадар самарали эмас, ҳар бир тилда бор йўғи 3 та бирлик аниқланган. Масалан, рус тилида: *чёртов орех* (сўзма-сўз: шайтон ёнғоғи) – сувда ўсувчи бу ўсимлик меваси – ёнғоғининг тим қора ранги ва шохчали ғадир-будир шакли уни шундай номланишига сабаб бўлган; ўзбек тилида: *шайтонкоса* – ушбу захарли ўсимликнинг меваси тепаси очиқ кўзасимон шаклда бўлиб, ичида кўп миқдордаги уруғлари жойлашади. Мева шакли ва захарли хусусияти ўсимликни шундай номланишига сабаб бўлган.

Инглиз ва рус тилларида Дева Мария (Биби Марям) образи алоҳида этномаркерланганлиги билан ажралиб туради. Масалан, инглиз тилида: *mary thistle* (сўзма-сўз: Марям қушқўнмаси), *saint mary's thistle* (сўзма-сўз:

²¹Фасмер М. Этимологический словарь русского языка. – М.: Прогресс,1996. – [Электронный ресурс]. – URL:<http://www.endic.ru/ozhegov/Ivan-Da-Marja-10386.html> (дата обращения: 17.11.13).

²²Nowick E. Historical Common Names of Great Plains Plants Volume I: Historical Names. – Lincoln Nebraska: Zea Books, 2015.– 506 p.

муқаддас Марям кушқўнмаси), *blessed milk thistle* (сўзма-сўз: Муқаддас сутли кушқўнмас), *lady's thistle* (сўзма-сўз: хоним кушқўнмаси) – хол-хол расторопша, ўсимлик халқ табобатида жигар, талоқ ва ўт-қоп касалликларига қарши ишлатилган, унинг бу шифобахш хусусиятлари Биби Марям афсонаси билан ассоциация қилинишига асос бўлган (унга кўра Биби Марям сути томчилари ўсимлик баргига томиб ўсимлик баргининг оқ томирларига айланган²³). Бу эса инглиз маданиятига хос бўлган аёл сиймосидаги турли худолар билан боғлиқ қадимий маъжозий анъаналар асосида шифобахш ёки ноёб ўсимликларни Биби Марям билан боғлаш ёки уларни Биби Марям томонидан дуоланганлиги тўғрисида афсоналар ўйлаб топиш одати билан изоҳланади²⁴. Бунга мисол қилиб, *venus' hair* (сўзма-сўз: Зухро сочлари) ва *freyja's hair* (сўзма-сўз: Фрея сочлари) фитонимларининг ўзгарган шакли – *our lady's hair* (сўзма-сўз: бизнинг хоним сочлари) ни келтириш мумкин²⁵.

Худди инглиз тилидаги каби, рус тилида ҳам Богородица (худонинг онаси – Биби Марям) образи кўплаб ўсимликлар номинацияси учун мотивацион асос бўлиб хизмат қилади, шу сабабли Инжилнинг бошқа қаҳрамонларга қараганда айнан шу қаҳрамон номи билан боғлиқ кўплаб ўсимликлар номлари мавжуд. Инглиз тилидан фарқли равишда, рус тилида ўсимликнинг номинациясида унинг шифобахш хусусияти эмас, балки турли қисмларининг ўзига хос шакли асос бўлади. Мисол учун, *богородицкая ручка* (сўзма-сўз: Биби Марям кўли) ўсимлиги ўз номини сувга солинганда қафт каби очилиб кетадиган сиқилган бармоқларни ўхшатувчи шакли учун олган²⁶.

Ўзбек тилида диний қаҳрамонлар билан боғлиқ фитонимлар бошқа тиллардагига қараганда камроқ учрайди (атиғи 6 та бир.). Уларнинг ярми форс тилидан ўзлашганлиги эҳтимоли ҳам бор. Масалан: *абу жахл тарвузи* – ривоятларга кўра, Абу Жоҳил пайғамбар Мухаммаднинг ашаддий душманларидан бири бўлган. Шафқатсизлиги ва мурасасизлиги учун мусулмонлар томонидан Абу Жаҳил («жоҳиллик отаси») деб аталган. Эронда шифобахш ўсимлик – колоцинт (оддий колоцинт ёки аччиқ тарвуз) тахир мазаси учун «Абу Жаҳил тарвузи» деб номланган (وانهـاب و جهـل) دن²⁷, бу ном ўзбек тилига ташқи ўхшашлик асосида икки уйли брионияни номлаш учун калькалаш йўли билан ўзлаштирилган.

Бундай номлар миқдорининг инглиз ва рус фитонимикасида кўплиги ҳамда ўзбек тилида деярли учрамаслиги инглиз, рус ва ўзбек халқлари лисоний олам тасвирига диний қонун-қоидаларнинг турли даражада таъсир кўрсатишини далиллайди.

«Атоқли исмлар» ЛСМда фитонимлар таҳлили шуни кўрсатдики,

²³Wright E.M. *Rustic Speech and Folk-Lore*. – Oxford: Horace Hart, 2014. – P. 333.

²⁴Thiselton Dyer T.F. *The Folk-lore of Plants*. – London: Chatto & Windus, 1889. – P. 248.

²⁵Ўша манба: – P. 249.

²⁶ Колосова В.Б. Богородичные травы в русской культуре // Русская речь. 2010. – № 4. – С. 100. – [Электронный ресурс]. – URL: <http://russkayarech.ru/files/issues/2010/4/20-kolosova.pdf> (дата обращения: 04.07.15).

²⁷Абу Джахль – [Электронный ресурс]. – URL: http://https://ru.wikipedia.org/wiki/Абу_Джахль (дата обращения: 02.07.17).

атокли исмлар ўсимликлар номларида маълум инсоний хислатлар билан боғланади, яъни ассоциация ўсимликнинг инсон билан ўхшашлиги асосида амалга оширилади. Инглиз ва рус тилларида кўпроқ оддий ва кўп тарқалган атокли исмлардан (John, Jack, Jenny; Иван, Марья, Анюта, Васелёк) фойдаланилган бир пайтда, ўзбек тилида унча машхур бўлмаган Мажнун ва Мирзо исмларигина топилган. Инглиз тилида шундай 14 та (таҳлил қилинаётган фитонимлар умумий миқдорининг 21,9% и); рус тилида – 9 та (таҳлил қилинаётган фитонимлар умумий миқдорининг 27,3% и); ўзбек тилида – 2 та (таҳлил қилинаётган фитонимлар умумий миқдорининг 9,5% и) фитоним аниқланган. Масалан, инглиз тилида: *john-that-goes-to-bed-at-noon* (сўзма-сўз: кун ярмида ухлайдиган Жон) – ўтлоқ эчкисоқоли, бу ўсимликнинг гули фақат эрталаб очилади ва кун ярмига келиб ёпилади, унинг бу хусусияти номинация учун асос бўлиб хизмат қилади; рус тилида: *анютины глазки* (сўзма-сўз: Анютанинг кўзлари) – учрангли бинафша, гулнинг ўзига хос шакли ва ранги инсон юзидаги қизиқиш ва ҳайратланиш каби ифодаларга ўхшатилади; ўзбек тилида: *мажнун тол* – дарахтнинг номи шохларининг А.Навоийнинг «Лайли ва Мажнун» асаридаги бош қаҳрамон Мажнуннинг пессимистик характериға ўхшатилган шакли билан боғлиқдир²⁸. Бундан келиб чиқадики, ўзбек анъаналарида ўсимликлар деярли инсон ёки шахсият билан қиёсланмайди.

«Артефактлар» ЛСМида фитонимлар таҳлили ассоциация учун кўпинча халқларнинг миллий ҳаётидаги кундалик турмушга оид оддий артефактлар танланишини кўрсатади. Фитонимларнинг миқдорий нисбати инглиз тилида 9 та (таҳлил қилинаётган фитонимлар умумий миқдоридан 14,1% га яқин), рус тилида 5 та (таҳлил қилинаётган фитонимлар умумий миқдоридан 15,6%) ва ўзбек тилида 7 та (таҳлил қилинаётган фитонимлар умумий миқдоридан 33,3%) бирликни ташкил этади. Инглиз тилида ўсимликлар билан ассоциация учун кўпроқ аёллар дунёсига оид артефактлар асос бўлади²⁹. Масалан, *lady's-cushion* (сўзма-сўз: аёллар кушеткаси) – чўзинчоқ армерия, номланиш гул шаклининг аёллар ёстиқчаси шаклига ўхшашлиги билан боғлиқ. Шунингдек, инглизларға ўсимликлар шаклини кундалик ҳаётнинг жуфт артефактлари билан ассоциалаш ҳам хосдир: *locks-and-keys* (сўзма-сўз: кулфлар ва калитлар) – дала заранги, ўсимлик уруғлари бир боғ калит шаклига ўхшаб кетади.

Рус фитонимикаси кўпроқ русийзабон халқлар кундалик ҳаётида ишлатадиган хўжалик буюмларига тегишли артефактлар билан тавсифланади. Масалан: *пуговичник* (сўзма-сўз: тугмача) – оддий дастарбош, гуллари тугмани эслатувчи ўтсимон ўсимлик.

Ўзбек тилида ўсимликларни номлаш жараёнида асосан чорвачилик билан шуғулланувчи кўчманчи қабилалар ҳаётий фаолиятига тегишли маиший артефактлар номидан фойдаланилади. Бу артефактлар ўзбек

²⁸ Навои А. Лейли и Меджнун / Пер. Липкин С. – Т.: Государственное Издательство Художественной литературы Уз ССР, 1957. – 176 с.

²⁹ Nowick E. Historical Common Names of Great Plains Plants Volume I: Historical Names. – Lincoln Nebraska: Zea Books, 2015. – P. 219.

